



САДРИДИН САЛИМ БУХОРИЙ



ҲАЗРАТ ХОЖА МАҲМУД  
АНЖИР ФАҒНАВИЙ

САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ

ҲАЗРАТ ХОЖА МАҲМУД  
АНЖИР ФАҒНАВИЙ

“БУХОРО” НАШРИЁТИ,  
2010 йил



**САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ**

**ҲАЗРАТ ХОЖА МАҲМУД  
АНЖИР ФАҒНАВИЙ**  
(Тарихий- маърифий китоб)

Тақризчи: Ойгул Шарипова, фалсафа фанлари номзоди,  
Бухоро Давлат университети доценти.

Қадимий Бухоро замини Имом Бухорий,  
Ибн Сино ва Абу Бакр Наршахий каби  
алломаларга, буюк тариқат пирлари  
– Абдулхалик Ғиждувоний ва Амир Кулол,  
Ориф Ревгарий, Али Ромитаний ва Бобойи  
Самосий сингари азиз авлиёларга бешик  
бўлгани билан ҳам бутун дунёга маълум  
ва машхур.  
**И. А. КАРИМОВ**

**ВОБКЕНТ – АВЛИЁ, АЛЛОМАЛАР ЮРТИ**

**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим**

Бухоро вилояти, Вобкент туманидан жуда кўп авлиё,  
муҳаддис, фақиҳ, тарихчи, санъаткор, алломалар ўтган. Вобкент  
Минораси жаҳонга машхур. Тарихчиларнинг бобокалони Ҳазрат  
Абу Бакр Наршахий (899-959) ҳам Вобкент фарзанди. Абу Бакр  
Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китоби араб тилида 943 йил  
ёзилган. Ушбу асар ўзбек, рус, форс-тожик, турк, инглиз ва бошқа  
жаҳон тилларига таржима этилиб, қайта-қайта нашр этилгандир.

Абу Хомид ал Комдидий ал Бухорий (X аср). Абу Наср  
Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Комдидий ал-Бухорий (947-1022), Абу  
Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал- Наршахий, Абу Абдуллоҳ  
Муҳаммад ибн Ҳамдон ал-Наршахий, Абу Юсуф ибн Фармул ал-  
Вобкандий, Абу Хомид Аҳмад ибн Маҳмуд ас-Сарром ал-  
Вобкандий, Абу Адуллоҳ Муҳаммад ибн Назр ал-Вобканий, Абу  
Ҳафс Умар ибн Жарир ал- Анжофирний (Анжир Фағнавий), Абу  
Ғаййиб Жулвон ибн Самура ал-Бонабий, Абу Жамил Ибод ибн  
Ҳишом ал-Бамижкатий (ҳозирги Кумушкент қишлоғи) Шомий ал-  
Бухорий (ваф.893), Абу Муҳаммад Ҳамд ибн Амр ал-Бухорий ал-  
Бирмасий (ҳозирги Пирмаст қишлоғи), Абу Али Ҳасан ибн Заххок  
ал-Тодизий (ҳозирги Тодари қишлоғи) ал-Бухорий (ваф. 939), Абу  
Саъд Харжўший (ҳозирги Харғўш қишлоғи) ал-Вобкандий (ваф.

1017). Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ужайф ал-Муаллим ас-Сутифағний (хозирги Сўфи Дехкон кишлоғи) ал-Вобқандий (ваф.928) каби муҳаддис, алломалар ҳақида тарихий китобларда ёзилган<sup>1</sup>.

Шуни ҳам таъкидлашни истардикки, Вобкентнинг қадими Бонаб (Поноб) кишлоғининг ўзидан ўнга яқин машҳур муҳаддислар ўтган. Улар номи Бонабий деб манбаларда зикр этилгандир<sup>2</sup>.

Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн ал-Бамижқатий нафақат муҳаддис, балки шоир, адиб ҳам бўлганлар.

Нажмуддин ан-Насафийнинг “Ал Қандий фий зикри уламои Самарқанд” китобларида шайх, фақиҳ, муҳаддис, қози, аллома Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Вобқандий ҳақларида маълумот бор: “Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Хузайма ибн Абдуллоҳ ал-Вобқандий – шайх ва имом. Хўжандда яшаб, ўша ерда қозилик қилган. Самарқандга кўп марта келиб кетган, биз (яъни ушбу китоб муаллифи – Нажмуддин Насафий ва бошқалар) билан бирга Бухорога бориб, шайхлардан фикҳ илмини ўрганган, ҳадислар тинглаган. У ҳижрий 522 (мелодий 1127) йил, зулкаъда ойининг бешинчи куни Хўжандда вафот этган.”

Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад шайх ва қози, садр ул ислом (Ислом қалқони) Абулйуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ан-Насафий раҳимахуллоҳдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

- Ҳазрат Али разияллоҳу таоло анху бундай дейдилар: “Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қимки рамазон ойига соғ-саломат ва муқим ҳолда етиб келса-ю, кундузлари рўза тутиб, кечалари намоз ўқиса, жинсий аъзосини (зинодан), тилини (ғийбат, бўхтон, шалоқ сўзлардан) сакласа, кўзини (нигоҳини номахрамлардан олиб қочиб) кўйи қаратиб юрса, жамоат билан ўқийдиган намозларини қанда қилмаса, жумъа ҳамда ҳайит намозларига барвақт борса, бир ой (мукаммал) рўза тутган, Лайлат

<sup>1</sup> Абдулқарим ас-Самъоний, Насабинома (Ал насоб). Араб тилидан ҳожи Абдулғафур Раъзоқ Бухорий, Комилхон Раҳимов таржимаси, “Бухоро” нашриёти, 2003.

<sup>2</sup> Насабинома, 20-бет.

ул Қадрга етишган ва Аллоҳ азза ва жалла мукофотига сазовор бўлган бўлур”- деб марҳамат қилдилар<sup>3</sup>.

Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг биринчи халифалари ҳисобланмиш Ҳазрат Хожа Аҳмад Сиддиқнинг (XII-XIII) қабрлари Вобкент туманининг Муғиён кишлоғидадир. Хожа Аҳмад Сиддиқ Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний вафотларидан сўнг Хожагон тариқатининг пири муршиди бўлиб, солиқ (тариқат йўлига кирган)ларни тарбият этганлар.

Ҳазрат Шайх Сирожиддин Пермасий ҳам улуғ авлиё бўлиб, Ҳазрат Баҳоуддин шогирдлари ҳисобланадилар. Сирожиддин Пермасий Вобқандийдан Ҳазрат Хожа Аҳрор Валий таълим олган.

Таниқли шоир Мужрим Обид (XVIII-XIX), хушовоз ҳофиз, мохир созанда ва бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Тожикистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шоҳназар Соҳибов (1903-1972), Ўзбекистон опера санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, Ўзбекистон халқ артисти Сағтор Ярашев (1915-1991), Ўзбекистон Бадий Академияси аъзоси Баҳоидир Саломов ҳам Вобкент фарзандидир.

XXI асрда ҳам Ғарбу Шарқдан она Ўзбекистон, инчунин, Бухоройи шариф зиёратига келмоқдалар. Аллома, авлиёларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганмоқдалар, кўплаб илмий тадқиқотлар этилмоқда. “Шу нуқтаи назардан қараганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини гурур билан таъкидлаш лозим.”<sup>4</sup>

Вобкентдаги авлиёлар, алломалар ҳақида устоз Нажмиддин Комилов, шунингдек, Нарзулло Йўлдошев, Самад Азимов, Гулчехра Наврўзова, Ойгул Шарипова, Ҳалим Тўраев, Султонмурод Олимов, Ҳасан Ризаев ва бошқалар рисола, илмий мақолалар ёзган.

Маълумки, Хожагон-нақшбандия тариқати “Силсилаи шариф”идаги ўн иккинчи ҳалқанинг пири муршиди жаҳонга

<sup>3</sup> Нажмуддин ан-Насафий, Самарқандия: Арабчадан Усмоҳон Текурхон ўғли Алимов ва Бахтиёр Набилов ўғли таржимаси “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат тилвий нашриёти, Тошкент, 2001, 142-бет.

<sup>4</sup> Ислом Қаримов, Юксак маънавият – енгилмас куч: “Мънавият” нашриёти, Тошкент, 2008, 41-бет.



машхур зот Хожа Махмуд Анжир Фағнавий бўладилар. Ушбу рисоламизда биз шу зоти шариф таржимаи хошари, кароматлари, этган хизматлари ҳақида қадрул имкон ўқувчиларга маълумот беришни ният қилдик. Буёқ авлиё Хожа Махмуд Анжир Фағнавий ҳаётлари бизга ибратдир.

“Авлиё” (бирлиги валий) сўзи Аллоҳнинг дўстлари маъносини билдиради. Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул авлиё” китобида қуйидаги нақл келтирилган: “Иброҳим Адҳам бир кеча тушларида Жаброил алайҳиссаломни кўради, у кишининг кўлида қалам ва довод бор эди. Иброҳим Адҳам: “Бу не учундир?”- деб сўрадилар. Жаброил алайҳиссалом: “Ер юзидаги авлиёлар номини ёзаяпман.”- дедилар. Иброҳим: “Менинг номимни ҳам ёзинг.”-деганларида. Жаброил алайҳиссалом: “Сизнинг номни ёзмокка амри илохий йўқдир!”- деб эътироз билдирдилар. Иброҳим Адҳам дедилар: “Мен авлиё бўлмасам ҳам, авлиёларни жуда севаман!” Бир муддат сукут сақланди. Сўнг Жаброил алайҳиссалом дедилар: “Фармони илохий келди, рўйхатнинг бошида сизнинг исмингизни ёзгайман!”<sup>5</sup>

Ушбу нақлдан маълум бўляптики, кимеки Аллоҳ дўстларини сева, Аллоҳ ундай кишини севаркан. Чунки Аллоҳнинг дўстлари, яъни авлиёлар Аллоҳ ризолиги йўлида халққа беминнат хизмат қилган. Авлиёлар ўзини таниган. Ўз нафсини жиловлаб олган зотлардир. Олим бўлмоқ, агар риёзатларга чидаб илм ўргатилса, осондир. Лекин авлиё бўлмоқ осон эмас. “...Замонамиз олимлари ҳам килни қирқ ёрадилар, ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар, аммо ўта муҳим нарсани, ўзлари учун қолган барча нарсалардан кўра яқинроқ бўлган нарсани, яъни ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсалардан кўра яқин бўлган борлиқ бу – уларнинг менлиги. Улар бирор иш тўғрисида: бу – тўғри, бу – хато, бу – ҳалол, буниси – ҳаром деб ҳукм чиқаришадую, ўз моҳиятларининг ҳалол ё ҳаром эканлигини билмайдилар.”<sup>6</sup> Тарикат аҳли эса ўзлари, яъни менлигини тадқиқ этиб,

<sup>5</sup> Фаридиддин Аттор. Тазкират ул авлиё. Мирзо Қасқабек таржимаси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат тилвий нашриёти. Тошкент. 1997. 25-бет.

<sup>6</sup> Ж. Румий. Илмнинг даражаси. «Ёзувчи» нашриёти. Тошкент. 1997.

“ман”лигини йўқота олган зотлардир. Ҳазрат Иброҳим Адҳам айтганларидек: сукути – фикр, карагани – ибрат, юргани – тоат бўлган кишилар валийдир. Ҳазрат Боязид Бастомий деганларки: ҳаётни илмда, роҳатни маърифатда, завқни зикрда кўрганлар валийдир. Ҳақиқий валий дарёдек саҳий, қуёшдек нурпош, заминдек камтарин бўлмоғи даркор. “Ҳар ким валийлар мартабасига етмок истаса, дунё ва охиратга рағбат билдирмай, фақат ёлғиз Аллоҳ талоға қалбини бериб, ҳалол лукма есин!”- деб таъкидлаганлар Ҳазрат Иброҳим Адҳам. Дарҳақиқат, ҳалол лукма кишини валийлар сафига қўшади, инсон даражасини баланд этади. Ҳалол лукма шарофатидан дуолар ижобат бўлади. Шу боис Хожагон-нақшбандия тарикати пирларининг ҳаммалари бир касбу кор, бир ҳунар эгаси эдилар.

Ҳазрат Абу Бакр Варроқ Термизий (ваф. 932) шундай дер эканлар: “Мен тонгда туриб, одамларга қарайман: ким ҳалол лукма еганини ва ким ҳаром еганини биламан.” Ул зотдан сўрадиларки: “Қандок биласиз?” Шайх дедилар: “Кимки тонгда туриб, тилини беҳуда, гийбат ва фаҳш сўзлар билан машғул қилиб турган бўлса, биламанки, у ҳаром лукма еган. Кимеки бомдодда туриб, тилини Аллоҳ зикри билан, таҳлил – “Ло илоҳа иллаллоҳ” билан ва истиффор билан машғул қилиб турган бўлса, биламанки, у ҳалол лукма еган.”<sup>7</sup>

Маълум бўляптики, ҳалол лукма шарофатидан қалбимиз тоат ибодатга, қўлларимиз бунёдкорлик ва саховатга, тилларимиз зикру шукрга мойил бўлар экан. “Хожагон-нақшбандия тарикатидаги “Дил ба ёру даст ба кор” шиори ҳалол лукма тонмоққа қаратилгандир. Ҳазрат Сайид Мир Қулол (тах.1287-1370) деганларки: “Лукмаи ҳалол дилни ва тилни пок этади. Зеро инсоннинг ошқозони худди ҳовуз кабидир. Агар ҳовузга тоза сув қуйилса, шу ҳовуз сувида баҳраманд бўлган тунроқдан ҳар турли дарахтлар кўқариб, унинг меваси пок ва манфаатли бўлғай. Чунончи, Расуллоҳ салоллоҳу алайҳи васаллам деганлар: “Кимеки қирқ кун ҳалол лукма еса, Аллоҳ таоло ул зотнинг дили ва тилида

<sup>7</sup> Термиз тазкираси. Мусанниф Мирзо Қасқабек. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат тилвий нашриёти. 2001. 45-бет.

илм ва ҳақиқат чашмаларини очади ва кўнглини равшан қилади.”  
Тасаввуф аҳли ҳалол лўқмага асосий эътиборни қаратган.

“Рисолаи Қушайрий”да ёзилишича, “шариат – бадан, тасаввуф руҳдир. Шариат – сўз, тасаввуф маънодир. Шариат – шакл, тасаввуф – моҳият, шариат – денгиз, тасаввуф – дур, гавҳар, шариат – сут, тасаввуф – қаймоқ, шариат – дарахт, тасаввуф – мева ҳисобланади. Шариат дарахтида пишмаган ҳол, важд ва маърифат меваларининг қадру қиммати йўқдир. Шу боис шариатсиз тасаввуфни тасаввур қилиб бўлмайди”. Тасаввуф алломалари шариатни биринчи, тариқатни иккинчи, маърифатни учинчи, ҳақиқатни эса тўртинчи зина деганлар. Лекин шариатсиз тариқат ҳосил бўлмас. Ер бўлмаса, дарахт кўкармагани каби, шариатга амал этилмаса, тариқат манзилига етиб бўлмайди.

Тариқат, бу – нафс тарбияси. Кишининг қалби то тамаъ, кибру манманлик, шухратпарастлик, худбинлик, мутаассиблик каби иллатлардан пок бўлмаса, тариқат остонасига етиб билмас.

Хожа Маҳмуднинг устодлари Ҳазрат Хожа Ориф дейдиларки: “Эй ориф! Мўминнинг қалби соф ва солим (соғлом) бўлиши керак. Чунки Аллоҳ таоло дейди: “Қиёмат кунини на мол, на фарзанд фойда бермас, қай шахсгаки Аллоҳ солим қалб берган бўлса, ўшанинг фойдаси тегади.”

Инсон хулқи, табиати ва ҳол-аҳволидаги нарсалар Аллоҳ таоло томонидан берилгандир, лекин банда яхшилик сифатларини ўзига қасб қилмоғи лозим. Банданинг хулқу одобидаги нек сифатлар эса кўнлаб риёзат чекмоқ, жидду жаҳд ила ўзидаги ёмон иллатларни, қусурларни йўқотмоқ орқали ҳосил бўлгай. Ва солиқ (тариқат йўлига кирган киши) даражама-даража тараққий этиб, камолот мартабасига етгай ва шарафи висолга эришгай. Лекин бу ўринда солиқ учун аввал важд (завқ-шавқ, ҳаяжон) лозимдурки, ул- кашфнинг муқаддимаси ва кашф – маърифатнинг ва маърифат – мушоҳаданинг муқаддимасидур. Ва шундан сўнг солиққа гайб эҳсони муяссар бўлгай. Солиқ кўз ўнгидан тўсиқлар кўтаришган заҳот унинг мушоҳадаси тиник кузгуга айланур.”<sup>8</sup>

Маълум бўлаёттики, тариқатга кирган киши аввал қалбини пок этмоғи лозим экан. Қалбни эса доимий зикр, шукр, тоат-ибодат, хайру саховат, бунёдкорлик каби амаллар пок этади.

Ҳазрат Сайид Мир Кулол куйидаги байтни доимо такрорлар экан:

**Маёзор мўру маёзор кас,  
Раҳи растакори ҳамин асту бас!**

Таржимаси:

**Агар нажот толай десанг, аё ёр!  
Ҳатто чумолига бермагил озор!**

Чунки дилозордан Худо безордир. Авлиёлар пайгамбаримиз Муҳаммад салоллоху алайҳи васаллам одобу ахлоқлари билан зийнатланган зотлар эди.

Нақл этилишича, тўрт яшар Ҳазрат Абулҳасан Ҳужвирий заррин чопон, қимматбаҳо матодан боғланган салла билан тўртта хизматкор қуршовида мактаб бораётгандилар. Шунда Ҳужвирийнинг кўзлари елкалари яғир бўлган эшакка тушади. Эшак устига қарғалар кўниб, азоб берар, лекин дармонсизликдан жонивор уларни ҳайдаб билмасди. Абулҳасан дарҳол қимматбаҳо тўнлари ва саллаларини хизматкорларга ечиб бериб, эшакнинг яра-яғир бўлган жойларига боғлашни буюрдилар. “Ул эшак ҳол тили бирла Ҳақ Субҳонаҳу таолога Абулҳасан учун маърифат тилаб муножот қилди. Абулҳасанга авлиёларга бўлур ҳолат воқе бўла бошлади.”<sup>9</sup> Буни кўринки, Аллоҳнинг бир махлуқига этилган раҳму шафқат шарофатидан Абулҳасан авлиё бўлдилар.

Ҳожагон-нақшбандия тариқати пирлари, инчунин, Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий инсонлар қалбига меҳру мурувват уруғларини экиб, одамларни тўғри йўлга бошлаганлар. Бу зоти шарифлар юртда тинч-осойишталикни барқарор этишда, миллатлар билан миллатлар орасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда хизмат қилганлар.

<sup>8</sup> С. С. Бухорий. Хожа Ориф ар Ровғарий “Бухоро” нашриёти. 2007, 29-30-бетлар.

<sup>9</sup> Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. “Шарк” нашриёт-этибон акциядорлик компанияси Бош таҳрирати Тошкент, 2009, 95-бет.



*“Биз фарзандларимизни дунёвий bilimлар билан бир қаторда, Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз” (И. А. Каримов).*

Баркамол авлод, бу – дунёвий илмларни мукамал эгаллаган, шунингдек, Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия топган авлод ҳисобланади.

Дарвоқе, сувга чўкаётган кишига нажот берувчини ҚУТҚАРУВЧИ дейдилар. Ҳазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавий мансуб бўлган Хожагон-нақшбандия тариқати “Силсилаи шариф”идаги барча авлиёлар ҚУТҚАРУВЧИлардир! ҚУТҚАРУВЧИ чўкаётган кишининг миллати, дини, ирки, тилини сўрамайди, балки ОДАМни қутқаради. Гуноҳ ботқоқига ботган инсонларни қутқариш авлиёларнинг асосий вазифаси бўлган. Мана шундай эзгу хизматлар қилган авлиёлар, дарҳақиқат, ҳар қандай эъзозга арзийди.

Шу боис аср-асрлардан бери халқимиз бу азиз авлиёларни ёдлаб, хотирлаб турибди. Уларнинг ҳаёти ёшларимиз учун ҳам ибратдир.

Истиклол шарофатидан барча зиёратгоҳларимиз, шунингдек, Ҳазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавий осори атиқалари ҳам обод этилди. Хожа Махмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳларида янги қурилган жомеъ масжидидаги намозхон Ҳожи Ашурбобо, Ҳожи Наимбобо, Ҳожи Пўлотбобо, Худойназарбобо ва бошқалар ҳар ибодатдан сўнг Юртбошимиз ҳақларига дуоини хайрлар этмоқда, мустақиллигимизни мустақиму пойдор бўлишини Аллоҳдан сўрамоқдалар.

### **ҲАЗРАТ ХОЖА МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ**

(тах.1210- 1286)

Ҳазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавий Вобкент тумани Анжир Фағни қишлоғида тахминан 1210 йилда туғилди ва шу қишлоқда 1286 йилда вафот қилди.

Бу зоти шариф ўрта бўйли, оқ танли, бурни ўзига ярашган, кенг оғизли, кўркам соқолли, нуроний юзли эдилар. Бошларига оқ салла ўрар, кароматлари жуда кўп эди<sup>10</sup>.

Манбаларда ёзилишича, Хожа Махмуд тақво, зуҳд, қаноатда ҳаммага ибрат бўлган.

Ҳазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавий ҳақларида Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, Алишер Навоийнинг “Насоимул муҳаббат”, Али Сафийнинг “Рашахоту айнул ҳаёт”, Бадриддин Сархиндийнинг “Ҳазаротул қуде”, Муҳаммад Толибнинг “Мағлабул толибин”, Мажидуддин Бадахшонийнинг “Жомийус салосил”, Тоҳир Эшоннинг “Тазкирайи нақшбандия”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз лоирин” ва бошқа асарларда маълумотлар берилгандир.

Тасаввуфшўнаслардан устод Нажмиддин Комилов, Махмудхон Ҳасаний, шунингдек, Гулчехра Наврўзова, Нарзулло Йўлдошев, Ҳамидхон Исомий, Самад Азимов, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллох, Ойгул Шарипова, Нодирхон Ҳасанлар Ҳазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавий ҳақларида тадқиқотлар олиб бориб, илмий мақолалар эълон этган.

Хожа Махмуд «Силсилаи шариф»даги ўн иккинчи ҳалқанинг пири муриди, буюк тарбиячи, аллома, валиполлох ҳисобланадилар.

Манбааларда бу зоти шарифнинг касблари гилкор (лой-сувоқ ишлари билан шуғулланадиган) ва дурадгорлик дейилган. Хожа Махмуднинг туғилган қишлоқларининг ҳозирги номи Анжирбобоғдир.

Вобкент тумани марказидаги табаррук Минорадан ўтиб, Шофиркон туманига бораётганда чап томонга бурилсангиз, йўл сизни Хожа Махмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳларига элтади. Катта йўл бошида зиёратгоҳ номи ёзиб қўйилгандир.

Тоҳир Эшон ёзадиларки, “Бузrugвори ҳазрати маъбудий, мағлаби шамен масъудий Ҳазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавийдурлар:

10 Хожагон-нақшбандия кашфийхари, (Хожа Абдулхалик Гиядузиний, Макомоти Юсуф Химдоний) “Янги аср озода” нашриети Тошкент 2005. 41-бет

**Баъди Ориф билон ба он масъуд,  
Фахри аброр Хожан Махмуд.  
Олими вақти маънавий омад,  
Шухрати Анжир Фағнавий омад.**

**Сарвари халқу раҳбара дин аст,  
Мушки ў на Хито, на аз Чин аст.  
Буд аз авлоди Саййинди Арабий,  
Аз чароғи Аҳмади набавий”<sup>11</sup>.**

Мазмуни: Хожа Ориф ар-Ревгарийдан сўнг пок зотларнинг фахри ҳисобланмиш Хожа Махмуд Анжир Фағнавий бахтиёрлик (Силсилаи шариф) шайхи бўлдилар. Бу зоти шариф маънавий оламнинг олими эди, Анжир Фағнавийнинг шухратлари оламни тутди. Бу киши халқнинг сарвари ва диннинг раҳбари эди. Бу зоти шариф Хитой ёки Чиннинг мушқи эмас, бу киши саййинди арабий (яъни пайгамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васаллам авлодлари) Аҳмади набий (пайгамбаримиз салоллоҳу алайҳи васаллам) нурларидандир.

Ушбу шеърий парчадан маълум бўлаяптики, Ҳазрат Фағнавий насаблари пайгамбаримиз салоллоҳу алайҳи васалламга бориб тақалар экан, бу зоти шариф саййидзода ҳисобланадилар.

Навий ёзадиларки: “Ул (яъни Хожа Махмуд Анжир Фағнавий) Хожа Ориф хулафосидиндур”<sup>12</sup>. Маълум бўлаяптики, Ҳазрат Фағнавий илми ҳол ва илми қолни Ҳазрат Хожа Ориф ар-Ревгарийдан ўрганган.

Ҳазрат Хожа Ориф ар-Ревгарий (ваф. тах. 1234) Хожагон-нақшбандия тариқатининг буюк пири муршиди, улкан авлиё, атоқли тарбиячи, адиб, аллома ҳисобланадилар. Бу зоти шарифнинг устодлари Хожан Жаҳон номи билан дунёга машҳур бўлган Ҳазрат Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Гиждувонийнинг пири муршидлари Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний бўладилар. Юсуф Ҳамадоний тариқат сабоғини Ҳазрат Абу Али Формадийдан, бу

<sup>11</sup> Ҳамидхон Исмоилӣ, Махмудхон Ҳасанӣ, Мавлоно Ориф Деғаронӣ, Филсафа ва ҳуқуқ институтини нашриёти. Тошкент, 2007, 29-бет.

<sup>12</sup> Алишер Навоӣ, Муқаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. “Фан” нашриёти. Тошкент, 2001, 255-бет.

киши Ҳазрат Абу Абулҳасан Ҳараконийдан, бу киши Ҳазрат Боязид Бастомийдан, бу киши эса Ҳазрат Жаъфари Содикдан, бу зоти шариф Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммаддан, бу зоти шариф Ҳазрат Солмони Форсийдан, бу зоти шариф Ҳазрат Абу Бакр Сиддикдан, бу зоти шариф Ҳазрат Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васалламдан ўрганганлар.

Хожа Ориф Шофирқоннинг Ревгар қишлоғида туғилиб юз йилдан ортиқроқ умр кўрганлар. Хожа Муҳаммад Ориф Моҳитобон номи билан жаҳонга машҳур. Хожа Орифнинг касблари устодлари Ҳазрат Абдуллоҳиқ Гиждувоний каби боғбонлик эди. Хожа Орифнинг “Орифнома” асарлари бор. Хожа Ориф ўз муридлариши Куръони Карим оятлари, ҳадиси шариф, шунингдек, ўтган авлиёлар ҳикматлари асосида тарбия қилганлар. Хожа Ориф ёзадилар: “Эй ориф! Дунёни тарк этмоқ деган сўзнинг маъноси шуки, солиқ қалбидан Аллоҳдан бошқа нақш (ном, хаёл, фикр)ни ўчиргай. Ва шундан сўнггина олий мақомларга кўтарилиши мумкин. Беҳуда ҳою ҳавас, нафси аммора васвасаси бир даражадан иккинчи даражага кўтарилишинингга, парвозингга тўсиқдир. Ушбу қусурлар (яъни беҳуда ҳою ҳавас, нафси аммора васвасаси)дан қутулган кишилар мақсадга эришади.

Одамни саодатга яқинлаштирувчи ҳислат шуки, банда ўзини фариштага монанд этсин. Нафсини ўзига бўйсундирган, ботину зоҳири ( ички ва ташқи томони) пок, ҳамма вақт зокир (зикр этувчи) ва мудом бандалик аҳду паймони (ибодат)га амал қилувчи кишилар фариштага ўхшар.

Киши Аллоҳдан бошқани ўзига маҳбуб этмагай. Аллоҳдан ўзга кишидан умидвор бўлмагай. Ва ҳар он аброр ва аҳёр (пок киши)ларга хизмат қилгай. Хушёр бўлмоқ лозимки, вақт – шамшир каби кескир! Мақолда айтилганки, агар сен вақтни кесмасанг, у сени кесгайдир. Шу боис бирор дақиқани ҳам гафлат ва беҳуда ўтказмай, Ҳақ Субҳонаҳу таолодан бошқа зот ҳаёли билан хуш-хурсанд бўлмагай!

Эй ориф! Куръони вожибут таъзим (таъзимга сазовор)дан ва Расулудлоҳ салоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан ва парҳезкор аҳлуллоҳ (Аллоҳга яқин киши, авлиё)лар панду насиҳатлари,



хикматларидан баҳра олиб, бошқаларни ҳам бахраманд этгайсен. Чунки мўмин мўминнинг биродаридир”<sup>13</sup>.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ва бошқа сўфийлар учун “Орифнома” дастуриламал эди. Дарвоқе, тарикат — бу нафс тарбияси. Нафсни жиловлаш сўфийларгагина насиб этган. Зоҳидлар ҳам ибодат қилади, сўфийлар ҳам ибодат қилади. Хўш, зоҳиддан сўфийнинг фарқи не? “Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират махфиратини қозониш, Куръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-халоватига етишиш эди. Сўфийлар назарида эса жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам тамаънинг бир кўринишидир. Ҳолбуки, сўфий учун на дунёдан ва на охиратдан тамаъ бўлмаслиги керак. Ягона истак бу — Ҳақ таолонинг дийдоридир, холос.

Машхур сўфий аёл Робиан Адавия (714-801) Тангрига муножотларида нола қилиб айтар экан: “Эй Парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатнинг тамаъида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан кўркиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида қуйдир — минг-минг розиман! Аммо агар Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!”

Аллоҳ таолога куруқ, кўр-кўрона мутеликнинг хожати йўқ. Унинг газабидан кўркибгина амри маъруфни бажариш садоқат белгиси эмас, балки риёдир. Шунинг учун сўфийлар Аллоҳни жон-дилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафсу хирс губоридан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишиш ва бундан лаззатланиш гоёсини кенг тарғиб қиладилар. Инсон руҳи илохийдир ва, демак, асосий мақсад — илохий оламга бориб қўшилмоқдир, дейдилар”<sup>14</sup>.

Аллоҳнинг ризолигини топмоқ мақсадида сўфийлар, дарвешлар халққа бемишнат, бетамъа хизмат қилган. Ётимлар бошини силамоқ, камбағалларга моддий ёрдам бермоқ, беморлар ҳолидан хабар олмақ, ғофилларни огоҳликка чақирмоқ, уларга Ҳақиқий йўлни кўрсатмоқ тарикат пири бўлган авлиёларнинг

13 С. С. Бухарий, Хожа Ориф ар-Ревғарий. “Бухоро” нашриёти, 2007, 26-27-бетлар.

14 Неъмиддин Комалов, Тасавуф “Монавоуннаҳр” ва “Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент, 2009, 10-бет.

ишидир. Авлиёлар хонакоҳ, масжид, мадраса, сардоба, кўприк, боғ, каналлар бунёд қилишган.

Ҳазрат Боязид Бастомий доимо ушбу гални ногидларига айтаркан: “Қайси муридим жаҳаннам эшигида туриб, гуноҳкорларнинг ўрнига ўзини оловга ташлаб, азоб кўражак кишининг жаннатга қўйилмоғига восита бўлмаса, ундок муриддан безорман!”<sup>15</sup> Ҳазрат Абулҳасан Ҳараконийдан сўфий ким, деб сўраганда, ул зот дебдиларки, киши муракка (қуруқ тўн, хирқа, яъни сўфий, дарвешлар киядиган кийим) ва сажжода (жойнамоз) билан сўфий бўлмагай ва русум ва одот билан сўфий бўлмагай... Сўфий бир кундирки, қуёшга эҳтиёжи бўлмагай ва бир кечадирки, борлиққа эҳтиёжи бўлмагай.

“Рашахот”да ёзилишича, Хожа Маҳмуд Хожа Орифдан ижозат хати олганларидан сўнг халқни Ҳаққа даъват этиб, алония (баланд товуш билан зикр этмок) зикри ила машғул бўладилар.

“Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар!” (“Азҳоб”, 41-оят), “Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилинглиз ва Мени инкор қилмангиз” (“Бақара”, 152-оят), “Парвардигорингиз номини (мудом) ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб (чин ихлос билан бандалик қилинг)” (“Муззаммил”, 8-оят) ва бошқа оятларда Аллоҳ таоло томонидан бандаларга зикр этиш буюрилгандир. Шу боис тарикат асосини зикр ташкил этади.

Зикрнинг бир неча турлари бор: зикри жаҳрия, зикри хуфий, зикри самоъ. Баланд овоз билан зикр этилса, уни зикри жаҳрия дейдилар. Овоз чиқармай, қалбда этилган зикр эса зикри хафий (хуфий) аталади. Айрим тарикатларда, жумладан, мавлавия тарикатида зикри самоъ қабул қилинган. Самоъ — мусиқа, кўшик тинглаб, Аллоҳни зикр этиш ҳисобланади. Самоъ мажлисларида сўфийлар ашулаҳонларга қўшилиб аста-секин оёқ қоқиб айланишга бошлайдилар. Уларнинг фикрича, самоъ эшитувчида иштиёқ ҳосил қилишда сабабчи бўлиб, уни руҳоний дунёга йўллайди. Сўфий қалбини тозалайди<sup>16</sup>. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Хожагон-нақшбандия тарикатида зикри

15 Фаридиддин Аттот, Таъриқатул авлиё, Мирзо Касимова таржимаси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси.” Давлат нашриёти, Тошкент, 1997, 35-бет.

16 А. Ш. Жузжоний, Тасавуф ва илми “Адолет” нашриёти, Тошкент, 2001, 102-бет.

самоёга амал этилмаган. Хожакон тарикатининг асосчиси Ҳазрат Абдулҳолик Гиждувончй асосан хуфиёна зикрга амал этиб, ўз муридларига ҳам шу зикрни тавсия қилганлар. Зикри самоёдан шогирдлари қайтарганлар:

**Инкор макун самоёву макбул мадор,  
Илло зи касе, ки зиндадил бошад ёр.  
Гар нафси ту мурда нест аз шуҳрату оз,  
Бо савму салот бошу дигар бигузур.**

Таржимаси:

**Самоёни на қабул, ва инкор эт,  
Неши айтсам, ўшал ишни зинҳор эт.  
Агар нафсинг ўлмагандур, огоҳ бўл,  
Рўза, намоз ила ўзни хушёр эт.**<sup>17</sup>

**Эй сўфий соф, ки кунни майли самоё,  
Ҳосил зи самоё, чун нифок асту низоё.  
Ё тарки самоё кун, ки софӣ гардӣ,  
Ё он ки ҳаёти дили худ кун видоё.**

Таржимаси:

**Қай сўфий соф самоёга мойил бўлғай,  
Ҳар неки низоё самоёдан ҳосил бўлғай.  
Ё тарки самоё эт, ки софлик пайдо,  
Ёинки бори умринг зойил бўлғай.**

Абдулҳолик Гиждувоний дейдиларки: “Эй фарзанд, самоё мажлисларида иштирок қилмагинки, андин нифок пайдо бўлур. Самоё дилни ўлдирур. Лекин самоёни инкор қилмагинки, анинг муҳибу ихлосмандлари бисёрдир. Самоёни қалби уйғок, лекин нафси ўлган кишилар эшитиши мумкин. Кимки бу даражага етмаган бўлса, кўпроқ намоз ўқиб, рўза олгани (яъни нафл намозу рўза) ўзига яхшироқдир.”

Ҳазрат Маҳмуд Анжир Фағнавий яқка шахс учун зикри хафийни, жамоат учун зикри жаҳрийни афзал кўрарди<sup>18</sup>.

<sup>17</sup> Бу ва бундай қойини шеърларни муаллиф таржима этган – тахририг.

<sup>18</sup> Хожакон-нақибонинг машоҳидлари, 42-бет.

Нақл этилишича, кунлардан бир кун Мавлоно Ҳофизиддин (бу зоти шариф Хожа Муҳаммад Порсонинг боболари ҳисобланадилар<sup>19</sup>) Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийга бир мажлисда қуйидаги саволни бердилар: “Ҳазрат, сиз нимага асосланиб алония (жаҳрия) зикрини танладингиз?” Бу мажлисда жуда кўп бухоролик уламо, фузалолар иштирок қилган экан. Хожа Маҳмуд дейдилар: “Бу зикр услубини танлаганимизнинг сабаби шуки, токи ухлаганлар уйғонсин. Алар гафлатдан қутулиб шарияту тарикат қонунларига доимий бўйсунувчи бўлсинлар. Ҳақиқий тавба шарафига муяссар бўлиб, икки дунё саодатига етишсинлар!”

Мавлоно бундай асосли жавобни эшитгандан сўнг: “Сизнинг йўлингиз тўғридур, ҳақдур ва бу машғулот сизга ҳалолдур!” - деб тан берадилар. Худди шу мажлисда Мавлоно Ҳофизиддин яна Хожа Маҳмудга илтимос қиладиларки, алония зикри таърифини бизга баён айланг. Кимнинг бундай зикрга амал этишга ҳақку ҳукуки бор? Хожа дедиларки, алония зикри билан шундай киши машғул бўлсинки, унинг тили ёлғон гаплардан ва гийбатдан пок, оғзи ҳаром ва шубҳали таомдан пок, дили риёдан пок, қулоғи ҳаром – ҳариш, беҳуда сўзлар эшитишдан пок, боши Аллоҳ таолодан бошқа зот ҳаёлидан пок бўлиши лозим!

Бу жавоблар Мавлоно Ҳофизиддинни ҳам, мажлис аҳлини ҳам қониктирган. Ушбу жавоблардан Хожа Маҳмуднинг илмлари, фаросатлари, ақллари нақадар юксаклигини билса бўлади.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳазратларининг энг етук шогирдлари Ҳазрат Хожа Али ар-Ромитаний ҳисобланадилар. Хожа Али ар-Ромитаний даврида бир дарвеш бор экан, ул дарвеш Ҳазрат Хизр алайҳиссалом билан учрашиб сўрабди: “Бу асру айёмда этагини тутишга арзийдиган, Ҳақ йўлидаги пир ким? Токи унга эргашайлик” Хизр алайҳиссалом жавоб бердилар: “Ҳозирги асру айёмда замонанинг Шайхи Ҳазрат Маҳмуд Анжир Фағнавийдурлар!”

“Рашаҳот”да таъкидланишича, Хизр алайҳиссаломни кўриб юкоридаги саволни берган зот Хожа Али ар-Ромитанийнинг

<sup>19</sup> Хожа Муҳаммад Порсо (1348-1420) - Ҳазрат Баҳоуддин Нақибонининг шогирдлари, бузоқ алоиё, ун савкитта китобнинг муаллифи ҳисобланадилар.



ўзлари экан. Лекин камтарлик юзасидан бу воқеани бошқа бир дарвеш номидан эълон қилганлар.

Хожа Махмуд Анжир Фағнавий соҳибкаромат авлиё бўлганлар. Нақл этилишича, Хожа Али Ромитанда бир гуруҳ асҳоблари билан зикр ила машғул эдилар. Ногоҳ уларнинг устида катта оқ рангли куш пайдо бўлди ва фасех (бурро) тилда деди: “Эй Али, мардона бўл!” Барча асҳоб бу кушни кўриб, унинг гапини эшитдилар ва уларда ажиб бир кайфият пайдо бўлди, ҳаммалари ҳушдан кетдилар. Асҳоблар ҳушларига келгандан сўнг Хожа Алига дедиларки, бу оқ куш воқеасини бизга баён қилинг. Хожа Али дедилар: “Бу куш Хожа Махмуд Анжир Фағнавий ҳазратлари бўладилар. Айни шу маҳал ул зот Хожа Дехқон Қалтий ҳузурларига бораптилар. Хожа Дехқон Қалтий Хожа Авлиё Кабирнинг халифалари ҳисобланади. Хожа Дехқон Қалтийнинг вафотларига яқин қолган. У киши Аллоҳ таолодан сўнгги нафасим яқинлашганда дўстларингдан, яъни аҳлуллоҳлардан бирини бошим тепасига ҳозир эт, токи рихлатим осон кечсин, деб сўраган экан. Шу боис Хожа Махмуд у кишининг ёнига учиб бордилар.”

Ҳазрат Махдуми Лъзам Дахбедийнинг «Мақомоти Хожа Абдулоҳлик Гиждувоний» асарларида ёзилишича, ҳар гал Хожа Махмуд Анжир Фағнавий: “Ё Раббий!” - десалар, Ҳазрат Борий таолодан: “Лаббай, ё абди! (Лаббай, эй менинг бандам!)” деган бевосита жавобни эшитардилар.

Худди шу “Мақомот”да баён қилинишича, Шайтон алайҳилаъна Хожа Махмуд Анжир Фағнавий ёнларида ўн икки йил, бу зоти шарифни йўлдан оздираман, деб ниёт қилиб юрди. Иттифоқо, бир кун ярим тунда Ҳазрат Хожа Махмуд Ҳазрат Абдулоҳлик Гиждувоний мазорлари зиёратига келдилар. Шайтон алайҳилаъна кўлига шамъни олиб у кишидан олдин борар эди. Шайтон алайҳи лаъна фурсатни ганимат билиб савол берди: “Сулукда қирқ сайрнинг миқдори қанча бўлмай?” (Бундай саволдан мақсад шу эдики, Хожа Махмуд: “Бир ман!” - деб жавоб берсинлар. Зеро бу ерда “ман” ҳам ўлчов бирлиги, ҳам манманлик маъносига келади. Шайтон алайҳилаъна эса бундай жавобдан сўнг Хожани мазақ қилиб: “Тарикатда ҳали хом экансиз, вояга етмаган экансиз!” демоқчи эди.) Ҳазрат Хожа Махмуд Шайтон алайҳилаънанинг ғаразли ниятини сезиб, дедилар: “Саккизта беш

сайр бўлмай!” Бундай жавобни кутмаган Шайтон алайҳилаъна тупроқни бошига сеппиб, наъра уриб, фарёд қилиб деди: “Ўн икки йилдан бери зўр уриб, бу кишини йўлдан оздирамадим, хийла-найрангларим ўтмади. Энди бу ерда қолишим бефойда!”

Ҳазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавийнинг жуда кўп кароматлари ҳақида маълумотлар берилган. Нақл этилишича, бир кун кишининг чилласида Ҳазрат Хожа Ориф ар-Ревгарийнинг хонақоҳларига Яман мамлакатидан шайхлар меҳмон бўлиб келади. Улар суҳбат асносида Бухоро анжирини мактайдилар ва анжир егилари келганини билдиради. Ҳазрат Хожа Ориф зудлик билан бир муридларини Вобкентга Хожа Махмуд ҳузурларига юбориб, анжир келтиришни буюрадилар. Хожа Махмуд кўмилган анжир танасининг остидан кесакларни олиб, бир саватга соладилар-да, саватни матога ўраб берадилар ва муридга тайинлайдилар: “Ушбу саватни Ҳазрат Хожа Ориф ёнларига борганда очинг!” Рўмол Хожа Ориф ҳузурларида очилганда, ҳозиргина узилган анжирлар бор эди. Бу ҳолни кўриб шайхлар ва барча давра аҳли ҳайратланди. Ҳазрат Хожа Ориф муридлари Хожа Махмуднинг мана шу кароматларини кўрганларидан сўнг, иршод (яъни шайхлик, пирликка ижозат) хати ёзиб бердилар ва Хожа Махмуд муридлар тарбияси билан шуғулланадиган бўлдилар.

Хожа Махмуднинг Сайид Умар исмли ўғиллари бўлиб, ул зоти шарифдан бир печа фарзандлар тутилган. Уларнинг ҳаммалари илмда ва одобда кишиларга намуна эди.

Ҳазрат Хожа Махмуд Анжир Фағнавий 1286 йил вафот қиладилар. Тоҳир Эшоннинг ёзишича, Хожа Махмуднинг учта жойда қабрлари бор экан:

**Шинав ин ки гуфтам, эй сарвар,  
Дар китобе бидидам, эй сарвар.  
Жасадам дар се жой мадфун аст,  
Ҳақ бидонад кужо ки макнун аст.**

Мазмуни: Бир китобда кўрдимки, унинг қабри учта жойда деб ёзилган. Унинг (яъни Хожа Махмуднинг) қаерга кўмилганини Аллоҳ билади.

**Кас надонад ҳақиқати сирри кор,  
Қабри ӯ ҳаст ба мавзеи зи Бухор.  
Баъзи гуфтанд ба Анжир Фагнаҳ,  
Ҳаст машҳур мисли моҳу маҳ.**

**Баъзе гуфтанд ба қарйан Ширин,  
Дафн шуд ӯ шунидам маи ин.  
Баъзе гуфтанд ба балдан Вобкан,  
Қабри ӯ ҳаст шаҳодат аз чанд тан.**

Мазмуни: Бу сирӯ синоатни ҳеч ким билмас. Баъзилар унинг қабрини Бухоронинг мавзеларидан бирида деса, айримлар Анжир Фагнаҳ кишлоғида дейди. Баъзилар Ширин кишлоғида, яна айримлар Вобкент туманида дейдилар.

Тоҳир Эшон ӯз китобида қуйидаги воқеани келтирган: “Ҳожа Маҳмуд вафот қилганларида, Анжир Фагнаҳ кишлоғидагилар, шунингдек, Ширин кишлоғи аҳолиси ҳамда Вобкент қалъаси атрофида истикомат қилаётганларнинг ҳаммалари ул зоти шарифнинг жасадлари бизнинг кишлокдаги мазористонда кўмилсайди, деб Аллоҳ таолога илтижо қиладилар. Жаноза ўқилгач, кутилмаганда қаттиқ шамол бўлиб, чор атрофни чанг-тўзон қопшайди. Шамол тингач, қарайдиларки, Ҳожа Маҳмуд жасадлари қўйилган тобут йўқ. У назардан гойиб бўлибди. Лекин одамлар орзу қилган ҳар учта жойда янги қабр пайдо бўлган экан<sup>20</sup>. Ҳар уччала кишлок аҳолиси ҳам Ҳожа Маҳмуд бизнинг мазорда кўмилган, деб хурсанд бўлган эканлар.

Бу ривоятни Тоҳир Эшон қай манбадан олганлигини билдирмаган. Шунини таъкидлаш жоизки, Ҳожа Маҳмуднинг жасадлари Вобкент туманининг Анжир Фағни (ҳозирги номи) кишлоғида дафн қилинган. Чунки барча мўътабар манбаларда Ҳожа Маҳмуд зиёратгоҳлари Анжир Фағни кишлоғидадир, деб ёзилган.

“Тухфат аз зоирин” китобида Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағनावийнинг авлодлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ушбу

китобда ёзилишича, Ҳожа Муҳаммад Ширин Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағनावийнинг авлодларидир. Ҳожа Муҳаммад Ширин Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг (ваф. 1601) муридлари эди. Ҳожа Муҳаммад Ширин бир неча йил Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийга хизматлар қиладилар ва у кишининг вафотларидан сўнг солиқ (яъни тариқат йўлига кирган)ларнинг раҳбари бўладилар. Ҳожа Муҳаммад Шириннинг қабрлари Бухоро вилояти Қорақўл туманидадир<sup>21</sup>.

Ҳожа Маҳмуднинг биринчи халифалари Мири Хурд, иккинчи халифалари Ҳазрат Ҳожа Али ар-Ромитаний ҳисобланадилар.

Ҳожа Мири Хурднинг исмлари Амир Ҳусайндир. Ҳожа Мири Хурднинг акалари Амир Ҳасан бўлиб, Мири Калон номи билан машҳур. Лекин Ҳазрат Маҳмуд Анжир Фағनावий вафотларидан сўнг халифалик Мири Хурдга насиб этди.

Али Сафийнинг “Раъшаҳоту айнул ҳаёт” китобларида, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин” асарларида ёзилишича, Мири Хурднинг қабрлари Ҳазрат Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағनावийнинг мақбараларининг супасидадир. Бу зоти шариф 1319 йил марҳум бўлган.

Ҳожа Мири Хурд авлодлари Бухоро шаҳрида, Вобкентда бор. Пойи Остона гузаридида истикомат қилган Насрулло Яҳёев Мири Хурднинг авлодлари ҳисобланади.

“Кўнғил дўстлари” китобида ёзилишича, Ҳожа Ориф Ревгарий ҳазратларининг дарсларидан ва суҳбатларидан Ҳожа Маҳмуд камолга етди. Моддий ва маънавий илмларда замоннинг бутук олимларидан бўлдилар. Одамларни иршод этмоқ, саодат йўлини кўрсатмоқ учун муршиди комил ижозат берди. Кўп олим етиштирдилар. Минглаб одамларнинг залолатдан ҳидоятга, саодатга эриштишларига сабабчи бўлдилар. Етиштирган олимларининг энг бузоғи ва ўзларидан сўнг халифаси (Фринбосари) Ҳожа Али ар-Ромитаний ҳисобланадилар.<sup>22</sup>

Маълумки, Ҳожагон-нақибандия тариқатидаги “Силсилаи шариф”нинг ўн иккинчи ҳалқасининг пири Ҳазрат Ҳожа Маҳмуд

<sup>21</sup> Сафийдан Салми Бухорий. Аламе Шоҳ Аҳсавий Фағновободий эл-Бухорий. “Бухоро” нашриёти. 2009. 26-бет.

<sup>22</sup> Фотима Темури ҳасн. Кўнғил дўстлари. Биринчи китоб. Йўлдаш: Ўзбек таржимаси. “Мавроуннаҳр” нашриёти. Тошкент. 2004. 100-бет.

<sup>20</sup> Мавлоно Дегтаровий, 30-31-бетлар.



Анжир Фағнавий бўлсалар, ўн учинчи ҳалқасининг пири Ҳазрат Хожа Али ар-Ромитаний ҳисобланадилар. Хожа Али ар-Ромитанийнинг касблари тўқувчилик эди. Бу зоти шариф "Рисолаи Азизон", "Махбубул орифин" китоблари муаллифидир. Хожа Али шеърлар ҳам ижод қилганлар. Хожа Али ар-Ромитаний ҳикматлари ва шеърларини Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд доимо айтиб, улардан ибрат олмоқ лозимлигини муридларига таъкидлаган.

"Рашахоту айнул ҳаёт"да Хожа Али қаламларига мансуб шеърлар ва ул зоти шариф шархлаган айрим байтлар келтирилган. Бир кун Ҳазрат ҳузурларида бир киши қуйидаги байтни ўқийди:

**Ошиқон дар даме ду нйд кунанд.**

Яъни, ошиқлар ҳар дамда икки ҳайит қилурлар.

Хожа Али дедилар:

**Ошиқон дар даме се нйд кунанд.**

Яъни, ошиқлар ҳар дамда уч бор ҳайит қилурлар.

Ушбу мисрани бизга шахлаб беринг, деб илтимос қилганларида, Ҳазрат Хожа Али дедилар: "Банданинг бир ёдкарди. Аллоҳнинг икки ёдкарди орасидадур. Аллоҳ таоло аввал бандани ёдлаб, унга тавфиқ беради ва сўнг банда Аллоҳни ёд қилади, кейин банданинг ёдкарди Аллоҳнинг қабул шарафига мушарраф бўлғай. Биринчи ҳайит - Аллоҳнинг бандага тавфиқ ато этиб ёд этмоғидир. Иккинчи ҳайит - банда тавфиққа келиб Аллоҳни ёдлани, учинчи ҳайит - банданинг ёдкардини Аллоҳ қабул этмоғидир."

Буни кўрингки, бошқалар учун йилда икки ҳайит бўлса, Аллоҳнинг ошиқлари учун ҳар дамда уч ҳайит, яъни байрам бор экан.

Қуйидаги рубойлар Хожа Али ар-Рометаний қаламларига мансуб:

**Ҳоҳи ки ба Ҳақ раси, биё Ромитан!**

**В-андар талаби дўсти, биё Ромитан!**

**Ҳоҳи ки мадад аз руҳи Азизон ёби,**

**Пой аз сари худ созу биё Ромитан!**

Таржимаси:

**Ромитанга кел, Ҳаққа етмоқ истасанг,  
Ромитанга кел, дўстни тутмоқ истасанг.  
Кел, бошингдан оёқ ясаб, аё дўст,  
Ҳар Азизон руҳин шод этмоқ истасанг!**

\*\*\*

**Бечора дилам, ки ошиқи рўйи ту буд,  
То вақти сабуҳ дўш дар кўйи ту буд.  
Чавғони сари зулфи ту аз ҳол то ҳол  
Мебурдашу ҳамчуноне ки гўйи ту буд.**

Таржимаси:

**Бечора дилим ошиқи рўйинг эрди,  
То субҳгача муқими кўйинг эрди.  
Чавғони зулфингга ҳолдан ҳолга  
Элтар дилим, дил мисоли гўйинг эрди.**

\*\*\*

**Чун зикр ба дил расад, дилат дард кунад,  
Он зикр буд, ки мардро фард кунад.  
Ҳар чанд, ки хосияти оташ дорад,  
Лекин ду чаҳон бар дили ту сард кунад.**

Таржимаси:

**Ҳар зикр дилга етса, дилинг дард қилғай,  
Ул зикр эдики, мардни фард<sup>23</sup> қилғай.  
Ҳар чанд ки зикр хосияти оташдур  
Лекин икки жаҳонни дилингда сард<sup>24</sup> қилғай.**

\*\*\*

**Бо ҳар ки нишастиву наҷуд чамъ дилат,  
В-аз ў парамид захмати обу гилат.  
Аз суҳбати вай агар табарро накуни  
Ҳаргиз накунад руҳи Азизон бихилат.**

Таржимаси:

Биров билан суҳбат этдинг, ҳар сафар –  
Қалбниг ғаш бўлди-ю суҳбат - бесамар.  
Азизонинг руҳи кечирмас сани  
Ундайлар ёнидан қочмасанг агар.

Ушбу китъа ҳам Хожа али Ромитаний қаламларига мансубдир:

Нафас мурғи муқайяд дар дарун аст,  
Ниғаҳдоран, ки хуш мурғест дамсоз.  
Зи поин банд бигсил то бипаррад  
Ки патвони гирифтаи баъди парвоз.

Таржимаси:

Жонинг вужуд ичра қамалган қушдир,  
Ғанимат бил, уни асрагил ҳар он.  
Оёғидан боғлаб қўймасанг агар  
Учиб кетса, қайтиб келмагай, инон.

Хожа Али ар Ромитаний ҳикматлари қуйидагилардир:

-Агар ер юзида Абдулҳолиқ Гиждувоний фарзандларидан (муридларидан) бири бўлганда эди, Мансур Ҳаллоҷ асло дорға осилмас эди.

- Ер юзи авлиёлар назарида бир дастурхон кабидир.

- Ҳазрат Али Ромитанийдан сўрадилар: "Иймон не?" Ул зот дедилар: "Узмоқ ва уламоқ". Яъни дунёнинг ортиқча орзу хавасларидан кўнгилни узиб, Аллоҳ таолога боғламоқ.

- Аллоҳ таолонинг: "Тавба қилинг" деганида ҳам ишорат бор, ҳам башорат. Ишорат тавба этмоққа, башорат эса тавбанинг қабул бўлишигадир. Агар Аллоҳ тавбани қабул этмасайди, ҳаргиз тавба қилмоққа буюрмасди.

-Кимки хонақоҳда туриб халқни Ҳаққа даъват этгай, ул киши қушчи (яъни паррандабоқар)дай бўлсин. Қушчи ҳар бир парранданинг емиши, одатини билиб, муомала этгай. Муршид

(пир) ҳам ҳар бир муриднинг қобилият, истиснодига қараб тарбият этсин. Шундап кейин унинг меҳнати ўз самарасини беради.

-Ғуноҳ қилмаган тил билан дуо қилинг, шунда дуонгиз ижобат бўлур. Яъни Аллоҳнинг дўстлари (авлиёлар)га тавозеъ ва ниёзмандлик этинг, уларнинг хизматини қилиб, кўнглини топинг, токи улар сизнинг ҳаққингизга дуо қилсинлар!

-Икки ҳолда ўзингизни эҳтиёт қилинг: сўзлаётганда ва овқатланаётганда.

Мақбалада ёзилишича, Ҳазрат Хожа Али 130 йил умр кўрганлар. "Рашахоту айнул хаёт"да Хожа Али вафотларига бағишлаб ёзилган ушбу байтлар бор:

Ҳафтсаду понздах зи хвҷрат бӯд,  
Бисту ҳафтум зи моҳи Зулқаъда.  
К-ин Жунайди замону Шиблийи вақт  
З-ин саро рафт бар сари парға.

Яъни замонанинг Жунайди, вақтнинг Шиблийси ҳисобланмиш Хожа Али хижрий 715 йил, Зулқаъда ойининг 2 куни вафот қилди.

Бу сана мелодий 1310 йилга тўғри келади. "Мақомоти Шоҳи Наҳшбанд"да эса (Мухаммад Боқир асари) Хожа али 1321 йилда вафот қилганлар деб ёзилган.<sup>25</sup> Хожа Алининг қуйидаги шогирдлари машҳурдир: Хожа Мухаммад Кулоҳдўз, Хожа Мухаммад Ҳаллоҷ, Хожа Мухаммад Бовардий, Хожа Мухаммад Бобойи Самосий.

Ҳазрат Хожа Али Ромитанийдан сўнг муридлар тарбияси билан Ҳазрат Бобойи Самосий шуғулланганлар.

Шуни ҳам таъкидлашни истардикки, собиқ шўролар замонасида Бухороий шарифининг бошқа зиёратгоҳлари каби Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳи ҳам хароб этилган, ташландиқ ҳолда эди. Хожа Маҳмуд жомеъларида намоз ўқиш таъқиқланиб, бу обида жамоа хўжалигининг омборига айлантирилганди. Табаррук чапма-кудук кўмиб ташланган,

<sup>25</sup> С. С. Бухорӣ, Ҳазрат Ализон ар Ромитаний, "Бухоро" нашриёти, 2002.



тахоратхона, меҳмонхона, дарвозахоналар бузиб йўқотилганди. Жомеъдаги ноёб кўлэзма китоблар талон-тороғ килинганига кексалар гувоҳ. Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий қабрлари устида бир савобталаб киши беш болор уйча бино этиб, унинг томини шифер билан ёнган эди. Шифернинг ёриқларидан қабр устига ёмғир-қор ўтиб турарди. Меҳмонларни ушбу зиёратгоҳга элтишга одам уяларди. Дарвоқе, Хожа Маҳмуд қабрлари зиёратига келмок ҳам таъқиқланган эди.

Истиқлол шарофатидан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳларида Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ободонгарчилик ишлари бошланди. 1999 йилда ушбу зиёратгоҳда вилоят бош архитектори М. Қ. Маҳмудов лойиҳаси асосида янги мажмуа қад ростлади. Икки қаватли янги мақбара, ҳовуз, янги жомеъ масжид, меҳмонхона, дарвозахона, ошхона ва бошқа иншоотлар бунёд қилинди. Хожа Маҳмуд мажмуалари агрофида гўзал боғ, гулзор барпо этилгандир. Вилоят ҳокими С. Қ. Ҳусенов ушбу бунёдкорлик ишларида бош-қош бўлди. Саховатпеша тадбиркор, фермер, тижоратчи, хунарманд ва бошқа юртдошларимиз Хожа Маҳмуд мажмуалари қурилишида беминнат хизмат қилдилар.

Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий жомеълари намозхонлар ихтиёрига берилган. Мазкур жомеъанинг имом-хатиби Ҳожи Ғолиб Очилов намозхонлар билан ҳар ибодатдан сўнг Аллоҳ таолодан мустақиллигимизни мустақиму пойдор бўлишини сўраб дуо қилмоқда. Бу ерда этилган дуолар ижобатдир.

**Нуроний юз, хуш сурат бўлган,  
Хизр билан ҳамсухбат бўлган,  
Айтган сўзи нурҳикмат бўлган  
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий!**

**Олиб Хожа Орифдан сабоқ,  
Билиб Хожа Жаҳонни маёқ,  
Авлиёга айланди шу чок  
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий!**

**Баланд эди Хожада ҳиммат,  
Оқ Куш янглиг учди – қаромат!  
Элни Ҳаққа бошлади фақат  
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий!**

**Етимларга берди бошпана,  
Йиқилганини қўллади ёна,  
Ҳақ зикрини айтди у қона,  
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий!**

**“Хожа ёмон!”-деганлар – ёмон!  
Шўроларнинг шиори ёлғон!  
Барбод бўлди аларнинг замон!  
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий!**

**Ҳаққа етди фиғону охлар,  
Кўмди неча чоҳкани чоҳлар,  
Обод бўлди зиёратгоҳлар,  
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий!**

**Истиқлолнинг шарофати бу,  
Юртбошимнинг жасорати бу!  
Ватан озод, юрт обод мангу!  
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий!**

**Садриддин ҳам қуйламоқдадир,  
Юрт иқболини ўйламоқдадир.  
Ҳақиқатни сўйламоқдадир,  
Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий!<sup>26</sup>**

<sup>26</sup> Ушбу шеър С. С. Бухерий келимига мансубдир – таҳририят.

САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ

ҲАЗРАТ ХОЖА МАҲМУД  
АНЖИР ФАҒНАВИЙ

МУҲАРРИР: И. СУБҲОНИЙ  
ТЕХ. МУҲАРРИР: С. НОСИРОВ  
МУСАҲХИҲ: Ф. СУБҲОНОВА

Босишга рухсат этилди 26. 04. 2010 й.  
Нашр босма табоги 1,75. Адади 1100 дона  
“ЗЕНИТ СПЕКТР” босмаҳонасида чоп этилди.  
Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 35- уй. Булортма №15